2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

2001 ЙИЛ 11 декабр, СЕШАНБА

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 148 (6.361).Сотувда эркин нархда

Биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримизнинг, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим. Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўгитлари билан катта ҳисса қўшаётганини, айниқса, қадрлашимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллади. Унда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари хусусида фикр юритилган.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 декабр куни Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллни қабул қилди.

● **Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл 8 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.**

● Тошкент давлат юридик институти Америка юристлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказди.

● **8 декабр куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан музокаралардан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ва Афғонистонни боғлаб турган кўприк тез орада очилишини маълум қилганди. Эртаси куни кўприк тантанали равишда очилди. Афғонистонда террор ўчоқларини йўқотишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан буён бу юртга юборилаётган халқаро инсонпарварлик юклари Термиз дарё порти орқали ўтказилаётган эди. Энди бундай юклар кўприк орқали етказиб берилади.**

● Вазирлар Маҳкамасида Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг 2001-2002 йилларнинг кузги-қишки мавсумида грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликларнинг олдини олишга қаратилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси А.Аҳадов бошқарди.

ПРЕЗИДЕНТ АВСТРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

10 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Австрияга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари учун интервью берди.

- Австрия Европанинг марказида жойлашган, сиёсий ва иқтисодий салоҳияти билан халқаро майдонда катта обрўга эга мамлакатдир, - деди Президент. - Австрияга илк бор 1992 йилда сафар қилган эдик. Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган тўққиз йил давомидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқаларимизда ҳамиша ўзаро ишонч руҳи ҳукмрон бўлиб келди. Зеро, шу ўтган давр ичида Австрия ҳукуматининг ҳам обрўли делегацияларини икки-уч марта юртимизда меҳмон бўлди. Мазкур ташрифлар, табиийки, давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда, хусусан, хавфсизлик ҳамда террорчиликка қарши кураш борасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган эди.

Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка тўхталадиган бўлсак, бу жабҳада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир юртимизда австриялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттизга яқин қўшма корхона ишлаб турибди. Австриянинг ўндан ортиқ машҳур компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, ўзаро савдо-сотиқ ҳажми икки томонни ҳам қониқтира олаётгани йўқ. Бошқача айтганда, иқтисодий алоқаларимиз кутилган даражада бўлмаяпти. Ваҳоланки, ўзаро товар айрибошлаш миқдорини икки-уч баробарга кўпайтириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташриф давомида иқтисодий ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилишини қайд этди.

Бу галги ташриф давомида бир неча ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Улар транспорт, сайёҳлик, таълим соҳаларини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистон-Австрия муносабатларида янги саҳифа очажагини алоҳида таъкидлади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.



Йўлбошчимизнинг 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганликлари барча юртдошларимизни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Улар бу эзгу ташаббусни радио ва телевидениедан эшитиб, газеталардан ўқиб, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири - кексаларни ардоқлашга катта эътибор қаратилаётганидан ғоят мамнун бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1482 (бир минг тўрт юз саксон икки) АҚШ долларини имтиёзли алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўм маблағларини жойларда йиғиб олиш ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори ҳамда ҳаж зиёратчиларига ҳизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари банкларо савдо сессияларида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган эркин курс бўйича эркин муомаладаги валютага конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан озод этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоб рақамлари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2002 йил февраль-март ойларида зиёратчиларнинг ҳаж сафарига бориб келишлари учун қулай шароит яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў.Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти, талаблари, муддати ва уни амалга оширишнинг тартиб-қоидалари ҳамда унинг якунлари кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Каромatов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 7 декабрь

ЭЗГУЛИК МАШЪАЛИ ПОРЛАСИН

Ҳар гал халқаро терроризм иборасини тилга олганимда дилимнинг тубида мустақиллик деган бир калом ҳам ёнма-ён туради. Мустақиллик бу сўзимнинг безаги эмас, балки юрак-юрагимдан силқиб, вужудимни орзиқтириб келадиган муқаддас шукронам. Шукронани эса ич-ичдан, балки пичирлаб айтмоқ ярашиқлидир. Мен сизни билмадим, кўнглингизни билмадим, менинг билганим шу:



Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида Юртбошимиз эслатган афғон урушида собиқ тузум даврида ҳалок бўлган ўн беш минг ўзбек ўғлонининг қайси ватан, қайси маслак учун фидо бўлганини англолмай очиқ қолган кўзларидаги соғинчнинг, аламнинг яна бир исми мустақиллик эмасмикин?

Мустақиллик бизга замондош бўлган қаҳрамон аямиз собиқ қизил империяни пахтага кон қиламан, деб унга тўкилган захри қотиллардан жигар-бағри илма тешик бўлиб кетган Турсуной Охуновнинг ҳасратли қароғи эмасми?

Ахир, Мустақиллик ўт-олов жони Магадан ўрмонларида жувонмарг бўлиб кетган Усмон Носирнинг чақмоқдек ёниб ўчган чироғи эмасми?

ИЗҲОР

Ёза тутахтага бошуриб, "Кумуш ўлди" дея бўғзидан дод отилган Қодирийнинг сабил қолган истеъдоди, муҳаббат осмонида порлаган юлдуз - Чўлпон фарёди эмасми Мустақиллик?

Қулоқ беринг: хориждан бир садо келди:

Адашган ит каби Фурқат,
Қаён боргум билолмасман,
Қачон бўлгайки топгайман
Хабар ёру диёримдин?

Мана шу ўтлиғ оҳлар, зорларнинг бежавоб қолган саволлари нимадир?

"Анда жоним қолди..."

Андижондан келтирилган қовунни тилиб беришганида дунёдаги энг бадавлат шоҳлардан бири – Бобур Мирзонинг соқолини-да ювиб оққан кўз ёшимиди ва ё тилим-тилим бағрин қоними?

Ота-болани қовуштираман деб сарғайиб сўлган чехрасидаги ҳорғинликмидир? Интизорликмидир? Нима эди Навоийнинг армони?

Нима у Мустақиллик? Ёвга қул бўлгандан, тўлқинларга ем бўлсин дея дарёга чўктирилган Жалолиддин аҳли аёли, фарзанди жони эмасмиди у?!

Тўмарис юрагини шер қилган, Широқни чинакам эр қилган туйғу – қалб иймони эмасмиди у?

Лекин, бугун бир нарсани аниқ биламан: Хоразмда бир яхши нақл юради: "Айтган ердан олис бўлсин". Илоҳим, айтган ердан йироқ бўлсин, мабодо халқаро терроризм Ўзбекистонга даҳл қиладиган бўлса, биринчи галда минг йиллик оч қолган кимсага нон қандай азиз бўлса, ўз домига тортганида худо қайтиб берган жон қандай азиз бўлса, ҳар биримиз учун шу қадар азиз бўлган мустақиллигимизга даҳл қилган бўлади.

(Давоми 2-бетда)

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Маърифатпарвар шоир, атоқли публицист Абдулла Авлоний: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир", дея миллат, Ватан тақдирини ёш авлод истиқболи билан белгилайди. Ҳақиқатан, юртнинг эртаси бугуннинг бахтиёр ёшлари келажаги билан муштарак.

Лекин бу ҳақиқатга шунчаки ёндашиб, қўллаб-қувватлашнинг ўзи камлик қилади. Ахир ниҳолни ерга қуруқ ўтказиб қўйган билан унинг соясига ёхуд мевасига кўз тикиш ақлга сиғмас ҳолат. Ниҳолга эътибор, парвариш лозим. Ана шунда у илдизи бақувват дарахтга айланади.

ТАРБИЯ

Ўтиш даврининг ўзига хос чиғириқларига усталик билан чап бериб, мавжуд қийинчиликлардан қаддимиз букилмай, барча жабҳаларда ислоҳотлар кўламини кенгайтириб, кишиларимиз онгида жамият, инсон тақдирига одилона ёндашув шаклланиб бораётган бир пайтда, айниқса, ёшлар билан боғлиқ масалалар ечимига бир лаҳза бўлса-да, сусткашлик билан қараш мумкин ҳам эмаслигини барчамиз англаб етдик. Ва бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ эртамиз эгалари бахти, иқболи учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшиш имконига эга бўлдик. Дейлик, корхонада хизмат қилаётган ишчи "Болам саодати учун", деб жон куйдирса, йирик ташкилот раҳбари ҳам ўз ҳаловати учун эмас, "Ёшларимиз баркамоллиги учун" ташаббуси билан чиқса.

Маълумки, ёшлар камолоти сари чора-тадбирлар амалга оширилаётган дамда, ўз-ўзидан, бир муаммога дуч келинади. Бу ҳам бўлса, вояга етмаганлар ўртасида алоҳида масъулият билан ташвиқот олиб бориш, уларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, муҳими, ҳуқуқий онгсизлик ва тушунмовчилик туфайли жиноят оламига, носоғлом муҳитга кириб қолишларига йўл қўймасликдир.

(Давоми 2-бетда)

ИБРАТ

Фермерликни осон деб ўйламанг. Бошида баъзилар қийинчиликлардан чўчиб "қўлни ювиб, қўлтиққа" уришди. Аммо, узоқни кўра билган, қолаверса суяги меҳнатда қотган ҳақиқий деҳқон орқага тисарилмади. Юқорида айтганимиздек, фермер бўлиш, йўқни йўндириш, борига барака киритиш, энг асосийси, туну кун далада

ҲАЛОЛ ЛУҚМА ЛАЗЗАТИ

экинларини маромида парваришлаш, йўл-йўлакай кўндаланг турган муаммоларни ҳал этиш – бу айтишгагина осон. Фермерларимизнинг қалбига секин қулоқ тутиб кўрсангиз, уларнинг айтадиган гаплари жуда кўп.

Акромхўжа Зикриёев ҳам ана шуларнинг бири. Кексалик нафақасида бўлишига қарамай тинимсиз изланади, ўғиллари ёнида астойдил тер тўкади.

(Давоми 3-бетда)

ЧЎКАЁТГАН "ОРОЛЧА"ЛАР

Марказий Осиё темир йўллари бошқармасининг Бухоро бўлимига қарашли бўлган бу хўжалик ўтган асрнинг ўттиз бешинчи йилларида ташкил этилган ва аср сўнгигача ёрдамчи хўжалик сифатида фаолият юритиб келган. 2000 йилга келиб, аввалдан махсулотларини топшириб, иқтисодий муносабатлар ўрнатилган Самарқанд тумани ихтиёрига масъулияти чекланган жамият сифатида ўтказилди.

Айтиб ўтиш жоизки, аввалги ҳомийларидан оқ фотиҳа олишда хўжаликнинг юзи шувит эди. Сабаби – гарданларида 16 миллион сўм қарз осиғлиқ турарди. Таассуфки, қарздорлик ҳамон ортса камайган эмас. Энди дамчи хўжалик, яъни

ТААССУФ

ортмоқдаки, савол туғилади: ёрдамга муҳтож ёрдамчи хўжаликни яна қанча вақт ушлаб туриш мумкин?!

Аҳволни атрофлича ва чуқур ўрганиб, меҳнаткашлар билан бафуржа суҳбатлашиб шундай хулосага келдикки, қолоқликнинг бош сабаби эндиликда "Она замин" масъулияти чекланган хўжалик ҳудудий жойлашувида яхлитликнинг етишмаётганлигидадир. Парокандалик билан боғлиқ доимий ортиқча чиқимлар мавжудлигидадир.

"Она замин" қуруқликдаги оролчаларга ўхшайди. 334 гектар (!) ҳудудга эга бўлган (экинзорлари 228 гектар) хўжалик нақд тўрт бўлакка бўлиниб кетган. Биринчи бўлак Самарқанд туманида бўлса, қолган уч бўлак Паст Дарғом туманида.

(Давоми 3-бетда)

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Ургутнинг Сойғўс қишлоғи Зарафшон тоғ тизмаси бағрида жойлашган. Унинг бир томони Ғўс қишлоғига, иккинчи томони осмонўпар чўққиларнинг этагига бориб туташган. Қишлоқнинг табиати фусункор. Бу масканда ўсмайдиган гиёҳнинг ўзи йўқ. Қишинёзин биқирлаб қайнаб турадиган булоқлари ҳам кўп.

БЎРИНИ ЙИҚИТГАН ЎҒЛОН

Сойғўс ажойиб табиий манзараларидан ташқари меҳмондўст, мард, танти одамлари билан ҳам машҳур. Шу ерда истиқомат қилаётган Шоди бобо Ғаниевни туманда танимайдиган одамнинг ўзи йўқ. Унинг уйи катта тоғ этагида жойлашган. Ҳовлиси жаннатнинг ўзгинаси. Кундузи ҳам, кечаси ҳам булбуллар сайраб туради.

(Давоми 4-бетда)

ИСТИҚЛОЛДАН ИЛҲОМЛАНГАН ИЖОДКОР

Адабиёт майдонида узоқ йиллардан буён баракали ижод қилиб келаётган хассос шоир Душан Файзий Зарафшоний бугун таҳририятимиз меҳмони. Самарқанд адабий муҳитида тарбияланган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиган домламиз билан бир пиёла чой устида адабиёт, шеърият, қолаверса, бугунги ижод жараёни хусусида суҳбатлашдик. У кишига ҳам дастлаб анъанавий саволни бердик:

-Домла, аввало таҳририятимизга ташриф буюриб, бизни хушнуд этдингиз.

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ

-Ташаккур!..

-Энди "беш" рақамига муносабатингизни билдириб, суҳбатимизни бошлаб берсангиз.

-Бажонидил. "Беш" рақамига муносабатим ижобий. Унинг фазилатлари кўп – ишлар "беш", "беш" баҳо... "Беш"дан каттароқ рақамлар ҳам бор-у, аммо беш барибир беш-да! Шундайми?!

-Шундай. Энди бевосита болалик йилларингиз, муҳит, шеъриятга кириб келишингиз ҳақида сўз очсангиз?

-Менинг болалик ва ёшлик йилларим уруш даврига тўғри келган – давр тақозосига кўра 9-10-синфларда ўқиш менга насиб қилмаган. 14 ёшимдан меҳнат фаолиятимни бошлаб, 17 ёшда ҳарбий хизматга чақирилганман ва урушнинг сўнгги 4-5 ойи жанг майдонида бўлганман, 2 марта ярадор бўлиб, жангнинг охиригача (1945 йил 8 май) қатнашганман.

Ғалабадан кейин ҳам яна 2 йилдан кўпроқ Германияда ҳарбий хизмат давом этган.

(Давоми 4-бетда)

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ***"Қишлоқ ҳаёти" Сизга ишда, ўқишда, оила даврасида энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй. Газетамизга 2002 йил учун обуна бўлишни унутманг! Бизнинг индекс: 144.***

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ГАРОВ

Бир куни гаштакчи жўралар Абдуғаниникига тўпланишди. Кўй гўшти, қўй ёғидан ош дамланди. Арақ-пиво ичилди. Суҳбат тунги соат ўн иккигача давом этди, охири гап мардлик, жасурлик, ажинаю девлардан қўрқиш-қўрқмасликка бориб тақалди. Кутилмаганда, даврада соқийлик қилаётган Жамолиддин ўртага бир масалани ташлади:

-Ким ҳозир қабристоннинг қоқ ўртасига белги қўйиб келади?

-Бу ёш боланинг ҳам қўлидан келади, - деди Абдуғани.

-Сал пастроққа туш, - деди Нажмиддин.

Бурчакда ёнбошлаб турган Салоҳиддин бирдан осмондан келиб мақтанди:

-Қабристонга мен белги қўйиб келаман. Эвазига нима қўясизлар?

-Эвазига катта қўй суюнчи.

Салоҳиддин ўрнидан туриб, тунги сафарга тайёрлана бошлади.

-Шаштингдан қайтгин, - деди Суҳроб. – Оқибати ёмон бўлади.

-Арслон изидан қайтмайди, - деди Салоҳиддин. – Хўп, қабристонга қанақа белги қўяман?

-Қабристоннинг ичига кириб, қабрлардан бирига мана шу пичоқни қадаб келасан, - деди Абдуғани. – Шунда ғалаба сен томонда бўлади.

Салоҳиддин пичоқни олиб ташқарига чиқди. Ҳақиқатан ҳам, атроф жуда қоронғи эди. Ҳаво бир оз совуқ. Аччиқ изғирин юзни ялаб турибди.

Салоҳиддин қабристоннинг дарвозасига яқинлашганда қалтис ишга қўл урганини сезди, юраги бироз орқасига тортгандай бўлди. Боя ичилган арақнинг кайфи ҳам ўз кучини йўқотди. Кўрқа-писа дарвозанинг бир табақасини очиб, ичкарига кирганида тиззалари қалтираётганини сезди. Ниҳоят, бир амаллаб биринчи қабрга яқинлашди-да, энгашганича пичоқни унинг бир четига қаттиқ санчди. Бироқ, пичоқ чопони унгури устидан санчилганини сезмади. Ўрнидан турмоқчи бўлганида қабрдан узатилган бир қўл тўнидан тортгандай бўлди. Назарида юрагининг бир томири чирт этиб узилди. Кўз олди хиралашди. Бор кучи билан бақирди. Бироқ, овози чиқмади. Бўғзидан номаълум куч қисиб тургандай бўлди. У бирор соатлардан кейин гаштакчи дўстлари ҳузурига қора терга ботиб, ранги-кути ўчиб кириб келганида ақлидан озаёзганди. Дўстлари унинг аҳволидан қўрқиб кетишди.

-Салоҳиддинни уйига элтиб қўяйлик, - деди қилғиликни қилиб қўйган Абдуғани. – Анча қўрққанга ўхшайди...

Ҳамма жўралар биргалашиб йўлга тушдилар. Уйга борганча Салоҳиддин чурқ этмади. Шу куни у касал бўлиб қолди.

Ҳайдар ФАЙЗИЕВ

СОДИҚ РАИСНИНГ МАКТАБИ

Содиқ ота Қозоқовни эсимни таниганимдан буён биламан. Ўқувчилик пайтларимда у киши хўжалигимиз бошқаруви раиси эдилар.

Собиқ раиснинг олдини биров кесиб ўтганини кўрганим йўқ. Унча сипо кийинмаса-да, унинг салобати ҳам, нафосати ҳам ўзгача эди. Сўзларида донолик сезилиб турарди. Атрофни синчков кузатар эди.

Содиқ аканинг битта яхши одати бўларди. Раис ўз ҳудудини тонгда эски УАЗда қишлоқма-қишлоқ айланиб чиқарди. Жуда секин ўтиларди. Яна ўша синчков нигоҳ... Ким ғафлатда-ю ким бедор. Кимнинг дарвозаси янги кунга очиқ, ким янги кунни ҳали қаршилагани ҳам йўқ.

Содиқ ака ҳафтанинг маълум бир кунида хўжалик радиоузелидан чиқиш қиларди. Халққа мурожаат этиш эди бу чиқишлар, меҳнатга даъват эди бу лутфи-карамлар. Ҳалоллар рағбат эшитарди, танбаллар танқид остига олинарди. Танқидлар ҳам шундай сўз устамонлиги билан айтилардики, асаларининг чаққанидек бир лаҳзалик заҳри, бир умрлик фойдаси бўларди. Тонгдан уйғоқ одамлар раиснинг ҳамроҳлари саналарди. У бундай саҳархез оилаларни тонгда куннинг насибасини келтирган фаришталарни кўрганлар, деб таърифларди. Қарабсизки, эртанги кун тонгида яна юзлаб дарвозалар кун кўкармасданоқ занжирларидан халос бўлардилар. Ҳовлиларга тоза ҳаво, янги ризқ мўралайди. Ғафлат шаробидан ичиб ётиб қолганлар раиснинг кўзига кўринишга уялиб кейинги тонгда хатоларини тузатардилар.

Ана шундай катта хўжалигимиз далалари бараканинг ўзгинаси эди. Ишкомлар узумга, томлар майизу гўлинга, омборлар шираю шарбатга лиқ тўларди. Уруш кўрган раис Содиқ ака бу тўкинчиликдан қувнаб юрарди. Тўй қилувчилар унинг фотиҳасини олиб ишга киришарди. Содиқ ака йигирма йилга яқин раислик қилиб ноилож нафақага чиқди. Ундан кейинги йилларда кўп раислар ишлади ўзиям. У номдорликдан учқун ҳам йўқ ҳозир. "Раис келди-кетди" давом этяпти. Ҳатто хўжалик иккига бўлиниб, раис ҳам иккита бўлди. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Содиқ ака ҳозир 81 ёшда. Яқинда бир келин-куёв тўйини очиб бердилар. Ҳаётий панд-насиҳатлар қилдилар. Хонадон соҳиби нафақадаги техника мутахассиси, собиқ раиснинг елкасига тўн ёпди.

-Мен Содиқ аканинг мактабида ўқиганман, - деди у. – Бу мактаб айни кунларда ҳам асқотиб турибди.

Бундан ортиқ эъзоз, бундан ортиқ дангал сўз йўқ. Тўйда 500 киши тинглади шу сўзни, ҳамма қувонганини кўзим билан кўрдим. Демак, Содиқ аканинг мактаби кўш қаватли бўлиб кетган.

Д.МУРОДОВ.

ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ

Шомурод аканинг аёли қазо қилганига беш йилча бўлди. Беш йилда йигирма йилга қариди. Бўлмаса, эндигина 60 дан ошди. Мункайиб қолганини, эти устихонига ёпишганини кўрсангиз, эзилиб кетасиз.

-Ҳеч ким аёлидан кейин қолмасин, - дейди у рўй-рост тан олиб. "Уйлантириб қўяйлик" дегувчиларга ҳам жавоби битта:

-Унақасини топиб бўлмайди.

Яқинда саккизинчи фарзандини ҳам уйлик-жойлик қилди. Баъзан катта ҳовлида битта ўзи қолади. Набиралар бир "оқиб" келса, ҳовли-ҳовлига ўхшаб қолади. Йўқса, томи йўқ улкан айвоннинг ўзгинаси.

Шомурод аканинг томорқасининг юқорисидан катта канал оқиб ўтади. У ёмон тушларини шу канал бўйида пишқириб оқаётган сувга айтиб ўрганган. Сув ваҳмни, қўрқувни узоқ-узоқларга оқизиб кетади. Шомурод ака қушдек енгил сезади ўзини. Кечқурун ёстиғининг остига нон қўйиб ухлайди. Нон "бало"ни даф қилади.

Кунлар шу зайл ўтмоқда. Тўй-маъракада Шомурод акани кўрмайман. Таъзиядан эса қолмайди у. Бир вақтлар қўшиқ хиргойи қилиб юрадиган одам жуда камгап бўлиб қолган.

Бир вақтлар мотоциклини учириб ўтадиган инсон ҳозир велосипед минишга ҳам ҳуши йўқ. Ўтган ҳафта унинг "очилганини" кўрдим. Фарзандлари ота ҳовлисида онасининг хотира кунини ўтказишди. Ўн беш-йигирма килограмм гурунч ош дамланди. Мулла Шароф бобо кун бўйи тиловат қилди. Шомурод аканинг кўнглида марҳума Салима янга йўқловдан миннатдор бўлгандек бўлди. У шу кечадан бошлаб босинқирамай ухлаётганлигини қариндош-уруғига айтиб чиқиш билан овора. Руҳияти ҳам ёмон эмас. Катта набирасини шу ҳовлида уйлантирмоқчи. Демак, чироқ ўчмайди.

Дилмурод ЖАББОР,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЭЗГУЛИК МАШЪАЛИ ПОРЛАСИН

(Боши 1-бетда)

Муҳтарам Президентимизнинг ЎзА мухбири билан бўлган суҳбатида айтган "Биз киммиз ўзи? Кимларнинг авлодимиз? Эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришиб, зулм-зўравонликдан, қаролликдан эндигина халос бўлган халқимиз шу манфур кучлар қаршисида тиз чўкадими?

Бизга ишониб, умид кўзини тикиб турган болаларимиз, набираларимиз олдида ким деган одам бўламиз?

Истиқлол йўлида, озодлигимиз йўлида чеккан шунча заҳмат ва машаққатларимиз зое кетадими?" деган сўзларини юрагимга қайта-қайта ёзарканман, кўзларим ярқ этиб очилади: ўша мудҳиш 11 сентябр, бегуноҳ қурбон бўлган минглаб америкаликлар, халқаро терроризмга қарши оёққа қалққан тинчликсевар кучлар фаолияти, журналистларнинг турли-туман шов-шуви-ю ҳақиқатлари, жафокаш афғон халқига тўхтовсиз етказиб берилаётган инсонпарварлик ёрдамлари, иссиқ гўшасидан қўним тополмай, сарсон-саргардонликда ҳаёт кечираётган пароканда афғон аёли, суронлар қўйнида туғилиб, жангу жадалдан бошқани кўрмай вояга етаётган афғон норасидалари - ҳамма-ҳаммаси бир томону, юрагим қоврилиб ўйлайман:

Навоий бобомнинг қабри омонмикин? Бомбардимон қилинаётган Афғонистон устида Бобур ҳазратимнинг руҳи чирқилламаётганмикин?

Терроризм нафақат бугуннинг оғриғи, у ўтганлар руҳини ҳам азобламоқда. Шунинг учун авлодларнинг мангу лаънатига маҳкумдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бутун инсоният бир тану бир жон бўлиб, бу балони ер юзидан даф қилмоғи мумкин. Олий Мажлиснинг Мурожаатномаси юрагимда шундай акс-садо берди: террорчилар муштдек портлатгич билан бутун бошли биноларни вайрон қилмоғи мумкин. Юксак тараққий қилган техника билан шаҳарларни забт этмоғи мумкин. Лекин дунёда шундай мамлакат бор. Уни на лашкар, на қурол-яроғ билан забт этиб бўлгай! Бу- кўнгил деган мамлакатдир. Бу салтанатда юрт ишқи, ватан меҳру муҳаббати султонлиғ қиладиган бўлса, бу мулкнинг эгаси жон берса берадики, юртини бировга бермайди ва яна шундай жони фидолар яшаган маконни ҳеч қандай ёвуз куч маҳв этолмайди. Шу ўринда шоирнинг ватан ҳақидаги сўзини такрорлагим келади:

Ватаним, умримнинг илдизи
қўшилган замин,
Мен то сўнгги нафасга қадар
гуллайман, барг ёзаман.
Мен қувончимни, бахтимни,
дардимни ёзаман,
Шу заминда менинг тонгим отади.
Менинг тонгим ҳар куни
қуёшни отади кўкка,
Мен унга совуқ панжаралар
ортидан эмас,
Ям-яшил кенгликлардан боқаман.
Олов ичидаги андуҳ, ватанларни
Жудо бўлиб севганларида,
қонга ботган мажруҳ ватанларни
Жудо бўлиб севганларида
кузғунларнинг оёқ остидаги
хору зор ватанларни
Тадо бўлиб севганларида,
Нечун мен сени фидо бўлиб
севмай Ватаним?
Топталиб йўқ бўлган ватанлар ҳаққи
Кўз ёшдан сел бўлган ватанлар ҳаққи,
Сени қувнаб, йиғлаб, фидо бўлиб,
адо бўлиб севгим келади Ватаним!

Бугун жонажон Ватанимиз узра тинчлик ва барқарорликнинг, сиёсий мувозанатнинг сақланиб турғани ва бу ишларнинг бошида Ислом Каримовдек Йўлбошчимизнинг бизга суянч тоғи, нажот қалъаси ва ўзлари айтганидек "Улкан кеманинг муносиб дарғаси" бўлиб турғани бошқа ҳеч нарса билан алмашиб бўлмайдиган бекиёс бахтимиздир. Илоҳим шу бахтимизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин. Келинг, бугун ушбу мурожаатномани қўллаб-қувватлайлик. Токи Йўлбошчимизнинг "Ўз уйингни ўзинг асра" деган ҳушёрлик фалсафаси, огоҳлик фалсафаси ҳаётимиз дастурига айлансин. Фарзандларимиз юрагида илдиз отаётган Ватан дарахтининг, меҳр дарахтининг бўйлари баланд бўлиб ўссин. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаатида таъкидланганидек, шу азиз Ватан барчамизники, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш, курашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бас, шундай экан, юракларга руҳ берайлик, мудроқ туйғуларни уйғотайлик. Токи ер юзида тинчлик деган неъмат мангу барқарор бўлсин.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис депутати, Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

(Боши 1-бетда)

Тан олиш керак, вояга етмаганлар билан ишлаш кишидан алоҳида матонат, куч талаб қилади. Қолаверса, бу бир оила доирасида эмас, бутун бир жамият микёсида олиб бориладиган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда республикамизнинг ҳар бир нуқтасида бу фаолият кўлами кучайса-кучайдики, сусайгани йўқ. Аҳамиятли жиҳати, 2000 йил 15 декабрда тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи 2005 йилгача мўлжалланган тадбирлар Дастури юзасидан ўтган қисқа вақт ичида мактаса арзигулик ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани "Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия"си томонидан ёшлар онгида умуминсоний қадриятларни сингдириш, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратиш борасидаги тадбирлар мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тузилган режа асосида йўлга қўйилган.

Комиссия фаолиятига назар ташласак, бир жиҳат кишини қувонтиради. Туманда 18 ёшгача бўлган жами ногиронлар сони 390 нафарни ташкил этади. Бу кичкина рақам эмас! Шуни инобатга олиб, бу болаларнинг мурғак кўнгилларида ўксик пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш учун туманда тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш самарадорлигини оширишга эътибор кучли. Агар уларнинг салкам 70 фоизи 14 ёшгача бўлган болалар эканлигини ҳисобга олсак, билим олиши, таълим-тарбиядан узилиб қолмаслиги учун ҳаракатлар кўлами кенгайтирилган. Туман соғлиқни сақлаш бўлими, ХТБ ва меҳнат биржаси ҳамкорлигида бу муаммо ўз ечимини топиб бормоқда. Шунингдек, вояга етмаганларнинг саломатлигини назорат қилиш, улар орасида аср вабоси саналган гиёҳвандликнинг илдиз отишини бартараф этиш мақсадида 18 ёшгача бўлганларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш комиссиянинг алоҳида эътиборидадир. Зеро, жисмонан соғлом авлод соғлом фикр эгалари бўладилар.

Вояга етмаганлар билан ишлашда ҳамон бир оғриқ нуқтага дуч келинмоқда. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда турли норасмий диний оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолларининг ҳануз болалар ўртасида учраётгани кишини ҳушёр торттиради.

Қуйи Чирчиқ туман ИИБ ВЕН нозирлиги томонидан 2001 йил 9 ойлик якунига кўра вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳар бири бўйича текширувлар ўтказилиб, уларнинг сабаблари аниқланди, чоралар кўрилди. Болаларнинг жиноятга қўл уришлари ҳолатлари таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти майда ўғирлик қилганликлари, жиноятга ўзлари англамаган ҳолда иштирок этганликлари маълум бўлди. Бу ўринда сабаб ўз-ўзидан ойдинки, ҳали ёшларимизда ҳуқуқий маданият шаклланмаган ва ёшлик бебошлиги билан қилаётган номаъқулчиликлари жиноят эканлигини улар ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар.


Шу билан бирга вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши, на ўқиш, на иш билан бандлиги ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир этилишига замин бўлмоқда. Худди шу нуқтаи назарни эътибордан соқит қилмаган туман Меҳнат бўлими томонидан фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан туман ҳокимлиги махсус қарорига мувофиқ хайрли ташаббус олиб борилди. Бу жараёнда туман бўйича 725 нафар ўқимай-ишламай юрган вояга етмаганлар аниқланиб, ўқишдан бўйин товлаб юрган 127 бола ўқишга қайтарилган бўлса, салкам 500 нафари иш билан таъминланди, иш ўрни етмаганларига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Шуниси диққатга сазоворки, комиссия фаолияти фақат амалий чоралар билан чекланиб қолгани йўқ, балки балоғат остонасида турган, ҳали ҳаёт ҳақида бирор тушунчага ҳам эга бўлмаган ёшларнинг онгини ўстириш (айниқса, ҳуқуқий жабҳада), маънавий оламини бойитиш, руҳий борлиғини комилликкa етказиш йўлида бир қатор тадбирларни амалга оширилди.

Ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, гиёҳвандликни олдини олиш бўйича прокуратура, ИИБ, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ва доимий равишда тумандаги ҳар бир мактабда ўқувчилар билан қизиқарли, мунозарага бой мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Туман ҳудудидаги турли спорт мусобақаларида иштирок этиш ёшларнинг севимли машғулотига айланган.

Якунланаётган "Оналар ва болалар йили"да Қуйи Чирчиқ туманида вояга етмаганлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазалашга доир режадаги барча чора-тадбирлар ёлғиз қоғозларда қолиб кетмай, амалда ўз самарасини бераётгани қуйи чирчиқликлар қалбида қониқиш ва келажакка умид кўзини тикиш, ёшларга ишониш ҳиссини уйғотди, деб иккиланмай айтиш фурсати етди.

Жалолиддин ИСРОИЛОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.



Юқори Чирчиқ туманидаги "Ийк-Ота" ширкат хўжалигининг марказий устахонасида чигит экиш сеялкалари сифатли қилиб таъмирдан чиқарилаяпти. Техника воситаларини таъмирлашда, айниқса, Саидали Мирзақулов, Бекмурод Сафаров, Муҳитдин Серикбоев ҳамда Ҳамид Ражабов каби усталарнинг хизматлари катта бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: хўжаликдаги марказий устахона фаолиятидан лавҳалар. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

ТАДБИРКОРЛИК

ҚАРШИ ЧИННИСИ

"Қарши чинниси" хусусий фирмасида юқори сифатли чинни буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қаршилик тадбиркор Неъмат Тўраев сармояси эвазига ташкил этилган бу корхонада бир кеча ва кундузда 400 донадан ортиқ чойнак ва пиёла ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулот учун хомашё Наманган ва Ангрен шаҳарларидан олиб келинмоқда, - Н.Тўраев. Корхона кенгайиши яна ўн нафар иш ўринлари очилишига ёрдам берди.

Мазкур бизнес-режага асосан корхонада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун банкка кредит лойҳасини тақдим этилди. Агар режалар амалга ошса "Қарши чинниси" корхонасида бир кунда 1000 донагача чойнак пиёлалар ишлаб чиқарила бошлайди.

"Туркистон-пресс"

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ

ЭҲТИЁТ-ШАРТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 2001 йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар республикамизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.

Шу ойнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник Равшан Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига қўйидагиларни сўзлаб берди.

- Ушбу фармойишга асосан республика ҳудудида ён-ғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтиришга жиддий киришилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 12 минг 412 та маскан, 1016 та корхоналар, 937 минг 360 та аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Унга кўра ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажармаган ёки бузган 8 минг 48 нафар раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 11 миллион 777 минг 633 сўм миқдорида жарима солинди. 3 минг 273 та ёнғин чиқиш хавфи бўлган корхона, омборхона ва алоҳида агрегатлар вақтинча тўхтатилди. 17 минг 219 та носоз электр мосламаларидан фойдаланиш таъқиқланди.

Р.Жўраевнинг таъкидлашича, ёнғинни олдини олиш масаласига етарлича эътибор бермаган 117 нафар раҳбар муҳокама қилиниб, улардан 12 нафари лавозимидан бўшатилди, 366 нафарига нисбатан интизомий чора кўрилди.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, ўт ўчириш техникасининг жанговар ҳолатини намойиш қилиш мақсадида республикамиз маҳаллаларида 7 минг 221 маротаба, ўқув юртларида 4 минг 584 маротаба, маданий-маиший муассасаларда 2 минг 109 маротаба, истироҳат боғларида 1180 маротаба учрашувлар ўтказилди. Ўтказилган 12 минг 848 та текширишда 346 минг 263 нафар ишчи ва хизматчи билан, 425 минг 554 маротаба 1 миллион 882 минг 542 нафар фуқаролар билан суҳбат ва йўриқномалар ўтказилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилувчи 2 минг 775 турдаги 977 минг 765 нусхада эслатма ва плакатлар тарқатилди. Корхона, ташкилот, маҳалла, мактаб ва бошқа жойларда 6 минг 486 та ёнғин хавфсизлик бурчаклари ташкил этилди.

Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилган чоралар натижасида республикада ёнғинлар сони ўтган йилга қараганда 61,3 фоизга, инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳоллари 29,4 фоизга, ҳалок бўлганлар сони 46,2 фоизга камайди. Лекин, кўплаб тадбирлар ўтказилишига қарамай, фуқароларимизнинг лоқайдлиги туфайли ёнғинлар сони камаймаётир. Хонадонлардан чиққан ёнғинлар аксарият ҳолларда қаровсиз қолдирилган болаларнинг гугурт чақишлари, электр ёки газ ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда. Юртимиз ва халқимиз бойлиги бўлмиш инсон ҳаётини ўт балосидан асраш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан эслатилган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

"Туркистон-пресс"

БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

Шаҳарлар	Картошка	Сабзи	Пиёз	Бодринг	Помидор	Гуруч	Мол гўшти	Қўй гўшти	Сут литр	Тухум дона
Тошкент	165	88	90	800	400	650	1650	1850		93
Андижон	150	30	75	650	550	450	1300	1600	80	80
Наманган	120	17	57	750	175	430	1300	1800	80	78
Фарғона	150	20	40	800	400	400	1400	1800	100	75
Самарқанд	130	45	45	475	250	485			150	55
Жиззах	165	65	50	450	425	485	1500	1650		85
Гулистон	130	38	43	600	200	388	1550	1750	125	80
Термиз	150	120	50	150	50	400	1200	1500	100	50
Қарши	140	40	50	450	450	450	1300	1600		75
Бухоро	170	43	58		200	475	1300	1200	105	80
Навоий	150	45	55	800	400	575	1250	1300	150	85
Урганч	160	38	65	600	575	420	1150	1450	90	70
Нукус	188	55	68	650	900	575	1300		190	85

Ушбу маълумотнома Европа Кенгашининг ТАСИС Программаси доирасида қишлоқ хўжалик маркетинг информация системаси ва экспериментал қишлоқ хўжалик улгуржи бозори проекти томонидан республика вилоятларидаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган.

ПАХТА ТОЛАСИ – ХОРИЖГА

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Бу борада Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари чиқарилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Айни дамда "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси тизимида 3 та пахта тозалаш корхонаси ҳамда эҳтиёт қисмлар, ўровчи материаллар билан таъминловчи, транспорт ва қурилишга дахлдор яна тўртта корхона фаолият кўрсатиб турибди. Корхоналаримизга бу йил 110,3 минг тонна хомашё қайта ишлаш учун қабул қилиб олинди. Толанинг 90 фоизи

ИНТИЛИШ

Швейцария, Жанубий Корея, Буюк Британия, Франция ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига жўнатилаётир.

Иш ҳақлари, девидентлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Бундан ташқари корхоналарнинг ёғ-мой комбинатларига жўнатган маҳсулотларидан олинадиган ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга арзон баҳода бериб бориляпти. Пахта тозалаш корхонаси қошидаги "Наргиз" болалар боғчаси мунтазам равишда ишлаб турибди. Фарзандларидан кўнгли хотиржам аёлларимизнинг иш унуми юқори бўлаяпти.

Истат КАРИМОВА,
Навоий вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси мутахассиси.

КИСҚА САТРЛАРДА

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Норин туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг Найман қишлоғига табиий газ келди.

Қурувчилар қисқа вақт ичида бир километр ўрта босим ва икки километр паст босимли газ тармоғини қуриб битказди. Бу ишга бир ярим миллион сўм маблағ сарфланди.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Темировнинг айтишича, Найман қишлоғида 400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Айни кунларда йигирма бешта хонадонга "зангори олов" келди. Хўжалик ҳудудидаги Обод қишлоғига газ тармоқлари тортиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Наманган давлат университети қошидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш вилоят марказида ташкил этилган тарғибот гуруҳи шаҳар ва туманлардаги таълим даргоҳларида ҳуқуқий мавзудаги машғулотлар олиб боришни бошлади.

Тарғибот гуруҳи 55 кишидан иборат бўлиб, улардан 22 нафари университет профессор ўқитувчилари, 33 нафари эса ҳуқуқшунослик факультети битирувчи курс талабаларидир. Мазкур тадбир 26 ноябрдан 14 декабрга қадар давом этади.

НАМУНАЛИ МАСКАН

Ёзёвон туманидаги мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг автомобил мактаби яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи"ни олди.

Бугун бу мактабда ҳарбий ёшдаги йигитларга бошланғич ҳарбий таълим ва мураккаб ҳарбий техникаларни бошқариш ўргатилмоқда.

Мактабда ижтимоий-сиёсий фанлар билан биргаликда жисмоний тайёргарликка алоҳида эътибор берилади. Ҳар йили йигитлар замонавий техника сирларини ўрганиш билан биргаликда бошланғич ҳарбий таълим курсларини битиришади. Мактабга қарашли автодром тўлиқ жиҳозланган.

"Туркистон-пресс"

ЧАВАНДОЗЛАР, СИЗ УЧУН!

ҚОРАБАЙИР

Қадим замонларданоқ ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида турли от-спорт ўйинлари ғоят оммалашган эди.

Уларда энг яхши отлар сараланарди. Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё давлатларининг ўтроқ аҳолиси эрамиздан олдинги даврларда ҳам довруғи довон ошган отларни кўпайтириш билан шуғулланган. Ўша отларнинг довруғи Хитой солномаларида қайд этилган: Хитой императорлари машҳур довон арғумоқларини ўз юртига олиб келиш топшириғи билан савдогарлар ва элчиларни, ҳарбий экспедицияларни бир неча бор жўнатганлар.

Тарихчи Хоникўв "Бухоро хонлиги таърифи" (1843 йил) деган китобида ёзадики, бу хонликда учта асосий от зоти: шимолда урчитиб кўпайтирилган Туркистон арғумоқлари, ўзбек отлари ва Ҳуканд отлари бор. Бундан ташқари, муаллиф яна камроқ сонли зотлар – қирғиз отлари ва қорабайирларни қайд этиб ўтган. Қорабайир зотининг ташқи кўриниши ва тузилиши кўркам ва бақувват, деб ёзган эди у.

"Қорабайир" сўзининг маъносини муаллифлар турлича изоҳлашади. Колосовский "Ўрта Осиё отлари ҳақида" (1937 йил) деган китобида шундай изоҳлайди: "қора" – соф, "байир" – жайдари, яъни соф жайдари. Кологривов бу сўзни бошқача тушунтиради: арабчада "қора" отни билдиради, "байир" эса - туя; қўшилганда "қорабайир" – туянинг оти, яъни юк ортиладиган от. Баъзилар буни тоғ зотига мансуб от ҳам дейишади.

Қорабайир ҳатто кам ҳосилли яйловларда ҳам этини сақлаб қолади. Емиш танламайди.

Қорабайир зотига мансуб отлар чидамлилиги, Ўрта Осиёнинг жазирама иссиғига, тоғ олди ва тоғли туманларда ишлатишга ғоят мослашганлиги билан ажралиб туради. Паст-баланд жойларда бемалол юраверади.

Қорабайирлар сезгир бўлади, териси юпқа, тана тузилиши қотма, қулоқлари ўртача катталикда бўлиб, жуда серҳаракат, пешона кокили, ёллари, думининг тукдорлиги ўртача. Юраётганида отнинг думи араб отларники каби кўтарилиб туради. Қорабайирларнинг ўзига хос аломатлари: калта, бироз баланд оёқли, барча шарқ отлари каби сағрисининг тузилиши мўғул зотларинikига ўхшайди.

Қорабайир зоти жаҳон от селекциясининг олтин фондига киритилган.

Шунингдек, қорабайир от зотлари бияларидан сут олинади. Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, бир лактация давомида 1750 литргача сут олиш мумкин (қулунни эмган сути билан бирга). Гўшт чиқими 56 фоизгачадир.

Шундай қилиб, бу зот маҳсулот олишда ҳам ишчи сифатида, ҳам миллий ўйинларда бебаҳодир.

Д.ХОЛМИРЗАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ТОПАДИ ИЗЗАТ

Чорвачиликка ихтисослаштирилган Касби туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалиги юксалиш йўлига чиқиб олди. Ҳозирги кунда бу ердаги фермаларда 2700 бош қорамол парвариш қилинмоқда.

Говмушлар сони 700 бошдан ошади. Уларнинг ҳар биридан соғиб олинаётган сут миқдори – 9-10 литрни ташкил этади. Хуллас, хўжаликда гўшт ва сут маҳсулотлари мўл-кўллигига аллақачон эришилган.

Буни бу йил қўлга киритилаётган натижаларнинг ўзи ҳам айтиб турибди: гўшт етиштириш 140 тоннадан ошди. Сут комбинатларига жўнатилган маҳсулот 1200 тоннани ташкил этди. Бу рақамларни пулга чақиб кўрадиган бўлсак чорвадорларнинг йиллик даромади 300 миллион сўмдан кам бўлмаслиги маълум бўлади.

ИСЛОҲОТ

Чорвадорлар билан суҳбатлашсангиз рисоладагидек умргузаронлик қилишаётганини айтишади. Меҳнатлари орқасидан ҳар йили яхшигина даромад олишаяпти. Кимдир тўй қиляпти, кимдир янги уй-жой қуряпти, бошқа бирлари эса енгил машина сотиб олаяпти. Даромаднинг бир қисмини омонатга қўювчилар ҳам топилади. Хонадонлардаги ўчоқларда олов ўчмайди.

Бугунги кунда хўжалик нафақат ғалла, балки пахтачилик билан ҳам шуғуллана бошлади. Ахир, бу ҳам чорвачиликни ривожлантиришга кўл келди-да. Пахтага қўл урганларнинг омади келди. Даромади кўпайиб, уй-рўзғорига барака ораламоқда.

-Баҳодир Мирзақобулов деган ижарачимиз, - дейди хўжалик бош ҳисобчиси Ўткир Ҳайдаров, - ўн бир гектар майдонга чигит экиб, юқори ҳосил олишга эришди. Хўжалик билан тузилган шартномага кўра гектаридан олинган ҳосил 33 центнер ўрнига 52 центнерга етказилди. Ижарачимиз хўжаликка 5 миллион 574 минг сўм даромад келтирди. Унинг оила аъзолари билан олган даромади 1 миллион сўмдан ошиб тушди.

Ҳа, чиндан ҳам чорвадор бўла туриб пахтага қўл уришга журъат этган Дилмурод Абдалов, Давлат Жўраев, Баҳодир Норқулов, Улуғбек Худоёров, Шаймардон Эшназаров сингари ижарачиларнинг ибратли ишлари ҳақида ҳам тўлқинланиб гапиргинг келади. Ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказган бу азаматлар бизнинг шароитда ҳам пахта экса бўларкан, деган хулосага келишди.

-Режадан ташқари топширилган пахта 400 тоннадан ошди. Бу ҳосилнинг ҳар тоннаси учун 60 килограмм пахта ёғи, 1230 килограмм кунжара, 187 килограмм шелуха олинади дегани.

Бундан кейин пахтани ҳам, ғаллани ҳам кўпайтирамиз, - дейди бош ҳосилот ўз сўзида давом этиб. – Чунки ериимиз етарли, сув сероб. Муҳими шундаки, эндиликда пахтани "тили"ни тушунган ижарачиларимиз бор. Келгуси йил чигит экиладиган майдонлар аллақачон сифатли шудгор қилиб қўйилган. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари қизғин давом этмоқда. Эрта-индин яхоб суви беришга киришамиз.

1000 гектарга экилган сувли майдондаги кўм-кўк майсаларни кўриб беихтиёр қувонасиз. Келгуси йил ҳосилдорлик 50 центнердан кам бўлмайди, деган яхши ниятда меҳнат қилаётган хўжалик аъзоларига омадингиз бароридан келсин деймиз.

Бозор ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

БОМБАРДИМОН ҚИЛИШАЯПТИ

АҚШ ҳаво қўшинлари Усама бин Лоден яшириган бўлиши тахмин этилаётган Тора-Бора ғори атрофини қақшатқич бомбардимон қилмоқда.



Шунингдек, тобора сиқувга олинаётган "Ал-Қоида" ташкилоти жангарилари ва Шимолий Иттифоқ кучлари ўртасидаги жанглар ҳам давом этмоқда. Қўшма Штатлар вице-президенти Дик Чейнининг тасдиқлашича, Жалолобод шаҳрида бин Лоденнинг 11 сентябрдаги террор хуружига оид айтган гаплари ёзиб олинган тасма топилган. Агарда у ҳамда "Толибон" ҳаракати раҳбари мулла Умар ҳибсга олинсалар, албатта, суд олдида жавоб берадилар.

ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ

Бир неча ҳарбийлашган Фаластин гуруҳлари Исроил ҳукуматига вақтинчалик таклиф қўйишди.



Унга кўра агар шу ҳафта охирига қадар исроилликлар Ғазо минтақаси ва Иоардан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб турсалар, улар ҳам Рамазон ойи тугагунгача ўз хуружларини тўхтатишмоқчи. Аммо, расмий Тель-Авив ушбу таклифни рад этди. Сабаби, мухторият раҳбарияти терроризмга қарши курашни бошламагунига қадар улар ўз хавфсизликлари учун барча чораларни кўришлари лозим. Сўнгги ўн кун ичида "ХАМАС" ва "Ислом жиҳоди" амалга оширган 5 та портлаш туфайли 29 нафар исроиллик ҳалок бўлди.

АННАН: ИРОҚ МАСАЛАСИ АЛОҲИДА

БМТ Бош котиби Кофи Аннан АҚШ ҳукуматини олиб бораётган антитеррор кампаниясини Ироқ давлати томон кенгайтирмасликка чақирди.



Боиси, бундай ҳаракат минтақадаги вазиятни издан чиқаради. Унинг фикрича, терроризм устидан ғалаба қозонишга фақат узоқ муддатли халқаро ҳамкорлик туфайли эришиш мумкин. Аннан бу гапларни Норвегия пойтахти Осло шаҳрига Нобел мукофотини олиш учун келганида айтди. Шунингдек, у афғон масаласи ҳақида ҳам тўхталиб, мамлакатга халқаро хавфсизлик кучларини киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини билдирди. "Мен умид қиламанки, дунё афғон можаросидан юз ўгирмайди ва у ҳақда қайғуришдан чарчамайди", - деди бош котиб сўзининг охирида.

ПАУЭЛЛНИНГ МОСКВА САФАРИ


Қўшма Штатлар давлат котиби Колин Пауэлл Москвага ташрифи чоғида Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин билан учрашди.



Бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида, асосий эътибор Москва-Вашингтон алоқалари, АҚШнинг ракета ҳужумидан мудофаа тўғрисидаги миллий дастури ҳамда Россиянинг НАТО билан ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Шунингдек, Пауэллнинг фикрича, 11 сентябр воқеаларидан сўнг томонлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланган.

ҚАНДАҲОРДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

Қандаҳор ҳокими Гул Оға Шерзой ҳамда Афғонистондаги вақтинчалик ҳукуматга раҳбарлик қилаётган Ҳамид Карзай ўртасида келишувга эришилди.



Мақсад толиблар ихтиёридан тортиб олинган сўнгги шаҳарда ҳам қонун ва тартибга бўйсунишни жорий этишдир. Шунингдек, Ҳамид Карзай Қандаҳорда қонунларга бўйсунмаслик юз бераётгани ҳақидаги маълумотларни рад этди.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида
А. КАМОЛОВ тайёрлади.

ҲАЛОЛ ЛУҚМА ЛАЗЗАТИ

(Боши 1-бетда)

-Мен 1996 йилда яхши ният билан Юқори Чирчиқ туманида "Илҳомбек" фермер хўжалигини ташкил қилган эдим,- дея эслайди у. -Очиғи, бошида иккиландим ҳам. Нега деганда, ўша йиллари бу ишни эплай олмай ташлаб кетаётганлар кўп бўлганди. Бир томондан ўғилларим: "Ота, нафақадаги одам бўлсангиз. Сизга нима етмайди, ўзи? Бошингизга ортиқча ғалва орттириб нима қиласиз? Буёқда одамлар ҳам гапиришяпти", деб роса бошимни қотиришди. Аммо, ҳеч кимга қулоқ солмадим. "Одамлар гапирса, гапираверсин. Ахир мен бу ишни етишмовчиликдан қилаётганим йўқ-ку!" дедиму олға босавердим...

Дарҳақиқат, айни кунда мулкдорнинг 103 гектар ери, 4 та трактори мавжуд. Шунинг 54 гектарига ғалла экса, қолган қисмида пахта, шоли етиштиради. Ишчиларнинг ярми ўзининг ўғил-қизлари, келинларидан иборат. Ўтган йили ғалланинг гектаридан 47 центнердан ҳосил олиб 4,762 минг сўм даромад қилинди. Пахтадан эса 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнер мўл ҳосил етиштирилди. Бунга осонликча эришилмади. Масалан, пахта етиштириш Акромхўжа Зикриёев учун қийин кечди. Сабаби, ер тошлоқ. Бу дегани, тош устида гул ўстиришдир. Бундан ташқари, фермерларнинг тракторлари кўчада қолиб кетяпти. Ҳали трактор парки қуриб ололганича йўқ. Бу ҳам майли-я, баъзи ношуд кимсаларнинг трактор эҳтиёт қисмларини кечалари ўмариб кетишлари алам қилади-да кишига.

Биз ишбилармон фермердан шунча ютуқларнинг сир-асрори ҳам бордир, дея сўраганимизда у мийиғида кулиб қўйди-да, босиқлик билан жавоб қайтарди:

-Ишлашни билиш керак экан, ука, ишлашни. Бу сирнинг тагига етгунча, касбимни тўла-тўкис ўзлаштириб олгунча, бўлганимча бўлганман. Энди гапнинг индаллосини айтсам, энг аввало, ишчиларимиздан пулни аямайман. Саодат Холматова, Салима Камолова, Жамила Мамадалиева, Раъно Бекмуродоваларга ўхшаган аъзоларимиз кунига 1000-2000 сўмдан ошириб пул олишади. Ахир, улар меҳнатига яраша ҳақ олса, кейин астойдил ишлашади-да. Бундан ташқари, мен кимёвий ўғитлардан умуман фойдаланмай, маҳаллий ўғитлар билан кифояланаман. Натижада, йилига мўмайгина пул иқтисод қилиб қолинади.

-Энди денг, мол-ҳол, еримиз ўзимизга етарли,- давом этади фермер бобо. -Техникамиз ҳам уч-тўрт йилсиз оқсамайди. Мана шундай ёруғ кунларга етказганлиги учун яратгандан, юртбошимиздан мингдан минг розимиз. Истиқлол йилларида барча орзуларим рўёбга чиқди. Аввалги замонда бу менга насиб қиларми-ди? Бунга асло ишонмайман. Ана шуларни ўйлаб, беш вақт намоз чоғи тилимдан шукроналик каломлари тушмайди. Ҳали кўрасиз, замонамиз бундан ҳам фаровон бўлади.

Айни кунларда фермернинг даласида иш қизғин. Хўжалик аъзолари бу йилги даромадни 6 миллион сўмга етказиш ниятидалар. Фақат буромадга келганда ҳамкор ташкилотлар ишни орқага суриб қўйишмаса бўлгани. Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини, порлоқ келажак учун сўнмас иштиёқини жимжимадор сўзлар билан эмас, балки, ҳалол меҳнати, юқори ҳосил билан намойиш этади. Зотан, эл корига яраган, меҳнат қилган инсон сира кам бўлмайди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Чўлибой Аҳмедов 32 йилдан буён Нурота туманидаги "Гозғон" ширкат хўжалигида чўпонлик таёғини қўлдан қўймай келяпти. У ўз отаридаги 325 бош қўйни қишловдан соғлом ва талафотсиз олиб чиқиш йўлида тинимсиз изланмоқда. СУРАТДА: бош чўпон Аҳмедов шогирдлари даврасида.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ЧЎКАЁТГАН "ОРОЛЧА"ЛАР

(Боши 1-бетда)

Оролчалар оралиғида икки, учтадан, ҳатто беш-олтитадан хўжаликлар экинзорлари, боғу роғлари жойлашган. Кафтдек хўжаликнинг қирқ чақирим масофада чўзилиб ётганлиги муаммоларнинг доимий равишда ўрчишига замин бўлиб қолмоқда. Машина-трактор парки марказда, Ипакчи қишлоғида жойлашган. Бир техниканинг бирор юмушни бажариб келиши учун йўлнинг ўзига 20-25 литр ёнилғи сарфланиши керак.

Ноқулай жойлашув, йўл азоби нафақат иқтисодий, балки аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий масалаларда илгарилашга монеълик қилмоқда. Буни азалдан то абад айроайро қишлоқчаларда бирорта ҳам маданият уйи, клуб, спорт иншооти, стадион, кутубхона, ҳаммом, тиббий пункт, савдо дўкони хизмат кўрсатмаганлиги билан далиллаш мумкин.

Иккинчи сабаб икки туманлиликдир. Хўжалик меҳнаткашлари илгари ҳам, ҳозир ҳам ўзлари етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Самарқанд туманига топширади. Бироқ унинг учта оролчасида истиқомат қилувчиларга Паст Дарғом тумани хизмат кўрсатади (шифохоналар, мактаб, ижтимоий таъминот, ички ишлар хизмати дегандек). Ана шу икки туманлилик кўп ҳолларда муаммоларнинг юзага келишига сабаб, сансалорлик кайфиятининг туғилишига баҳона бўлмоқда. Буни кўпроқ электр қуввати, газ, ичимлик суви таъминотида, ички ишлар хизмати даражасида кузатиш мумкин.

Дарёдек тўшалиб оқувчи Дарғом канали ва Қорадарёнинг туташувчи қўлтиғида жойлашган тўртинчи оролча – Қуйи Бағистон қишлоғи бугун мустақил юртимиздан, мафкуравий ва маънавий ҳаётимиздан узилиб қолганга ўхшайди. Ижтимоий соҳалар билан алоқадор хизмат турларини қўя турайлик, қишлоқ аҳли оддий турмуш кечириш учун биринчи галда зарур бўлган ичимлик суви, электр қуввати, суюлтирилган газ нима эканлигини беш йилдан буён билишмайди. Газета, журнал ўқимаслик, радио эшитмаслик, телевизор томоша қилмасликка ҳам чидаш мумкиндир. Аммо мактабга бориши лозим бўлган 12 нафар боланинг ушбу ўқув йили ҳисобидан бирор кун ҳам дарсга қатнашмаётганлигини қандай кечириш мумкин?!

-Бу йил ўғилларим Одилжон 3-синфга, Олимжон 4-синфга, қизим Гулнора 9-синфга ўқишга бориши лозим эди. Мактаб 7 чақирим узоқликда, Паст Дарғомнинг Довул қишлоғида. Қишлоғимиз чекада жойлашган, бу ерга умуман техника келмайди. Илгари болаларимизни мактабга элтиш учун алоҳида техника ажратиларди. Афсуски, ҳаммаси барҳам топиб кетди, - дейди 4,5 гектар боғда ишлаб келаётган ишчи Каромат Назарова.

"Она замин" оролчаларини тобора ғарқ айлаётган учинчи сабаб доно ва тадбиркор, элга қайишадиган ва ҳамма қишлоқларга бир кўзда қарайдиган раҳбарнинг етишмаётганлигидадир. Бу хусусда суяги меҳнатда қотган, 30 йил бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Қуйи Боғистонда яшовчи Жамол Пиримқулов бундай дейди: "Жамиятимиз раҳбари Алимардон Ғуломов бизлардан фақат иш талаб қилади, аҳволимиз билан қизиқмайди. Мактаб, чироқ, газ, сув билан шуғулланадиган тегишли ташкилотлар бор, ўшаларга боринглар деб масъулиятни ўзидан қочиради. Сўнгги пайтларда қишлоғимизда олти карра ўғрилик содир этилди. Милицияга хабар қилдик, бирортаси ҳам очилган эмас. Биз ҳақ истаб икки туман ўртасида оворамиз, раҳбаримиз эса биздан узоқда. Ўз ишчисининг яхши кунида севиниб, оғир кунида куйинмайдиган раҳбарни, билмадим, қандай баҳолаш керак? Қишлоғимиздан оилалар кўчиб кетмоқда, бу ерда яратилган боғ-роғларимизнинг тақдири нима бўлади?".

Хўжалик раҳбарлари билан суҳбатимиз, қишлоқлардаги ҳақиқий аҳвол чиндан ҳам эътиборсизлик, ўзибўларчилик ҳукм сураётганини исботлади. Директор А.Ғуломов ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ўзидан буткул қочирди. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича номигагина биринчи ўринбосари (аслида омбор мудири, қурилиш бригадаси бошлиғи, касаба уюшмаси раиси) Карим Юсупов зиммасидаги масъулиятга оид бирорта ҳам саволимизга жўяли жавоб бера олмади. Ҳатто иш режасига ҳам эга эмас. Вилоят ҳокимининг қарори билан яқинда ўтказилган ободонлаштириш ойлиги, матбуот нашрларига обуна ойлиги каби муҳим тадбирлар ҳақида ҳам тасаввурга эга эмас. Шу боисдан хўжалик идораси теварагида чиқиндилар уйилиб, бинолар харобага айланиб ётибди. Боғу роғлар қаровсизликдан, чорва моллари пайҳонидан завол топмоқда. Бугунгача бирорта матбуот нашрига обуна бўлинмаган.

Хуллас, шунақа аҳвол. Энди саволни кўндаланг қўямиз: "Она замин"ни, энг муҳими, парчаланиб кетган хўжалик аҳлини муаммолар гирдобидан олиб чиқиш мумкинми, йўқми?

Ораси топилмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

Даставвал, хўжаликни ё яхлит ҳолатга келтириш зарур ёки бўлакларни қулай хўжаликларга қўшиб юбориш керак ёйинки фермер хўжаликларига айлантириб икки томонлама васийликка барҳам бериш лозим. Қуйи Боғистон қишлоғида аралаш синфлардан иборат бўлса ҳам мактаб очиб, ўқишни ташкил этиш пайсалга солинмаслиги лозим. Иккинчи йўли эса болаларни мактабга элтувчи техника, ҳеч бўлмаганда, усти берк фойтун хизматини йўлга қўйиш мумкин. Ишдан чиққан сув насосини, электр трансформаторини ишга тушириш, симёғочлар ўрнатиб қишлоқни нурафшон қилиш, баллонли газ таъминотини йўлга қўйиш зарур. Энг муҳими эса, замон талабларига мос раҳбарликни қарор топтириш керак. Содир этилган жиноятлар, албатта, очилиши шарт.

Биз инсон қадри баланд тутилаётган, узоқ қишлоқлари ҳам гуллаб-яшнаётган мустақил Ўзбекистонда яшаётганлигимизни унутмайлик.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҚУШЛАР ҲАМ ТАЛПИНАР БУ ЗАМИНГА

Ўзбекистон азиз-авлиёлар юрти. Қайси вилоятда бўлманг, асрлар, минг йиллар оша номлари халқнинг қалбидан жой олган улуғ инсонлар – азиз-авлиёлар мақбараси қад ростлаган зиёратгоҳларга дуч келасиз.

Илгари бундай жойлар қаровсиз ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва одамлар бу ерларга якка-ёлғиз, яъни тарқоқ ҳолда зиёратга келишган бўлса, мустақилликдан кейин манзара бутунлай ўзгарди. Ёш мустақил давлатимиз ҳудудидаги улуғ ва табаррук инсонлар ётган барча азиз жойлар ободонлаштирилиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Ҳозир улуғ инсонлар - азиз-авлиёлар ётган жойларни зиёрат қилиш халқимизнинг маънавий эҳтиёжига айланиб қолди. Бу ўзликни англаш, иймон-эътиқодга қайтиш, покланиш, ўтган авлод-аждодларимизга ҳурмат бажо келтириш йўлида эзгулик сари қўйилган ғоят катта қадам бўлди.

Бутун дунё тан олган, ер юзининг мусулмон олами эътироф этиб эътиқод қилган, асрлар оша эъзозланган, турли ўлкалар зиёратчиларининг қадами узилмаган муқаддас жойлар қадимий юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам оз эмас. Дунё мусулмон оламида авлиёлар султони деб тан олинган Султон Увайс бобо, шунингдек Наримжон бобо, Кечирмас бобо мақбаралари шулар жумласидандир. Бу ерларга ҳозир ҳар куни юзлаб одамлар зиёрат учун келиб туришади. Мустақиллик йилларида, айниқса, Кечирмас бобо зиёратгоҳи бутунлай ўзгариб кетди. Кейинги беш-олти йилда бу ерда бажарилган ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларининг кўлами шу даражада кенгки, таърифлашга сўз тополмайсиз. Зиёратчиларга зарур бўлган барча қулайликлар яратилган. Ҳеч ким ҳеч нарсадан зориқмайди, ҳеч қандай ноқулайлик сезмайди. Бу ерга бутун Ўзбекистондан ҳамда қўшни давлатлардан зиёратчилар келиб турибди. Кечирмас бобо мақбараси жойлашган зиёратгоҳдаги таърифда тенгсиз ўзгаришларни амалга оширишда шу ерлик юзидан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсон Тўхтабой ака ва ўзида ҳақиқий ўзбек аёлининг тимсолини намоён этган оқила инсон Омина опа Болтабоевларнинг хизматлари беқиёс. Улар ўзларини савоб ишга бахшида этишган.

Яқинда мен Кечирмас бобо зиёратгоҳида бўлганимда ғаройиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Зиёратга келган бир мўйсафид машинасида қўй олиб келибди. Қўйни машинадан тушириб қўйхона томон етаклашди.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕА

Бироқ қўй юрмай оёқ тираб туриб олди. Эгаси қўйни думбасидан арқон ўгириб судраган эди - ётиб қолди. Буни кўриб турган зиёратгоҳ хизматчиларидан бири: "Бирodар, қўйни судрамай, арқонни устига ташлаб қўйинг!" деди. Эгаси шундай қилди. Бир пайт қўй туриб Кечирмас бобо мақбараси томон юра бошлади. Ҳамма ҳайрон. Нима бўлар экан, деб кузатиб турибмиз. Қай кўз билан кўрайликки, қўй ўз ҳолича мақбарани айланиб зиёрат қила бошлади. Унга ҳеч ким ҳалақит бермади. Бир пайт қўй зиёратни тугатиб қўйхона томон йўл олди.

- Тавба, - дедим ҳайратланиб ёнимда турганларга, - авлиёларни жониворлар ҳам зиёрат қилар экан да?!

- Бўлмасамчи, - деди зиёратгоҳда хизмат қилиб юрган Убайдулла исмли киши, - мен бундай воқеаларнинг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Жумладан, ёзда бир киши зиёратга отда келди. У эгардан тушиши биланоқ от кишнаб, оёқлари билан ерни тепиб безовта бўла бошлади. От боғлаб қўйиш учун эгасига имкон бермади. Биз эгасига отни ўз эркига қўйишни маслаҳат бердик. У шундай қилди. От одамларни четлаб ўтиб тўғри мақбара томон йўл олди. Зиёратчилар ажабланиб қараб туришарди. От мақбара тўғрисига келганда тўхтади ва қайта-қайта бошини эгиб Кечирмас бобога бир неча марта таъзим қилди, сўнг тисарилиб четга чиқиб турди.

- Мен эса бошқа бир ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлдим, - деб суҳбатга аралашди шу ерда хизмат қилиб юрган яккабоғлик Ҳаққул исмли йигит. – Эрта баҳор эди. Мақбара яқинидаги далада ерни экишга тайёрлаб юрган эдим. Турналар овози эшитилди. Осмонга қарасам турналар галаси учиб келяпти. Улар пастлаб учиб тўғри мақбара томон келишарди. Тўғрига келганда Кечирмас бобонинг устида айланиб уча бошлашди. Санаб турдим: тўққиз марта айланиб учишди. Сўнгра овоз чиқариб, қанотларини қоқиб йўлларида давом этишди. Жуда қаттиқ таъсирландим. Авлиёларни ҳатто қушлар ҳам зиёрат қилар экан, деган хулосага келдим. Бу ғаройиб воқеани бошқа хизматчилар ҳамда зиёратга келганлар ҳам кузатиб туришган экан. Ҳаммалари ажабланишди.

Бу ерда менга ит, мушук, мусича, каптар, қалдирғоч билан бўлган ғаройиб воқеаларни ҳам гапириб беришди. Эшитсангиз ҳайратланасиз, таъсирланасиз, азиз-авлиёларнинг улуғлигига, мўъжизаларига тан берасиз. Оллоҳ назари тушган, азиз-авлиёлар макон топган, улуғ ва табаррук инсонлар яшаб ўтган муқаддас замин, қадимий юрт эгалари эканлигингизга шукроналар айтасиз. Ҳатто қушлар-у жониворлар ҳам таъзим қиладиган бундай муқаддас заминни Оллоҳ ҳамиша ҳар қандай бало-қазолардан асрайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
"Туркистон-пресс"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 11 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	352,69	1 Австрия шиллинги	44,23
1 Англия фунт стерлинги	979,81	1О Бельгия франки	150,86
1 Голландия гульдени	276,16	1О Греция драхмаси	17,87
1 Дания кронаси	81,80	1 БАА дирхами	186,30
1 АҚШ доллари	684,18	1 Миср фунти	160,89
1О Испания песети	36,58	1ОО Италия лираси	31,43
1 Канада доллари	434,26	1 Хитой юани	82,66
1О Люксембург франки	150,86	1 Малайзия ринггити	180,07
1 Германия маркаси	311,16	1 Польша злотийси	167,77
1 СДР	865,56	1ООО Туркия лираси	0,47
1 Финляндия маркаси	102,36	1 Франция франки	92,78
1 Швейцария франки	412,36	1 ЕВРО	608,58
1О Жанубий Корея вони	5,41	1О Япония иенаси	54,43
1 Россия рубли	22,84	1 Украина гривнаси	129,15

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ИСТИҚЛОЛДАН ИЛҲОМЛАНГАН ИЖОДКОР



(Боши 1-бетда)

1945 йил ёзида фронтда – ўзбек тилида чиқадиган "Ғалаба байроғи" газетасига ишга келдим ва 1947 йил кузигача шу газетада фаолият кўрсатдим, табиийки, менинг машқ шеърларим шу газета саҳифаларида чоп этилган. Ҳарбий хизматдан қайтибоқ, Самарқандга келдим, университетнинг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқий бошладим. Бу пайтда менинг ёнимда 1-2 дафтар фронт шеърлари бор эди. Шеъриятнинг ҳақиқий сирларини эса менга дорилфунун ўргатди. Биринчи тўпламим университетни битирган йилим дунёни кўрди. Тўпламга менинг чинакам устозим, атоқли шоир Миртемир домла муҳаррирлик қилган.

-Устозу тенгдошларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

-Бир воқеа ҳамон эсимда. Биз ажойиб инсон ва иқтидорли олим Нуриддин Шукуров билан 1949 йил октябр ойида ёш ёзувчиларнинг республика йиғилишига Тошкентга келдик. Поезддан тушиб тўғри Ғафур Ғуломнинг уйига бордик. Ғафур ака шеърларимни кўриб, баъзиларига қалам урди, хайрлашаётганда: "Эҳ, болаларей, ҳамманг шу Ғафур Ғуломга эргашасанларда... Нима десам – ўз йўлингни топ..." деди.

Кейинчалик ҳам Миртемир домла менинг бир неча китобларимга муҳаррирлик қилди. Шеърият, умуман бадиий ижод сирларини Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом сингари адиблар билан бўлган мулоқотларда ўргандим десам бўлади. Ўша йиллардаги сафдошлардан – Жуманиёз Жабборов, Тошпўлат Ҳамид, Ҳусниддин Шарипов, Жонрид Абдуллахонов, Султон Акбарий, Саида Зуннуноваларнинг номларини тилга олиб ўтиш жоиз.

-Истиқлолдан кейинги фаолиятингизни қандай баҳолайсиз?

-Истиқлол даврига келсак, бу йиллар мен учун чинакам омадли давр бўлди. Ўтган ўн йил ичида "Имом ал-Бухорий" шеърий романим, қатор достонларим нашр этилди. "Темурнома", "Зуҳра", "Сўнгги фожиа", "Қисмат", "Ургут қасидаси", "Кузги япроқлар", "Еттинчи зина" каби достонлар шулар жумласидандир. Шу давр ичида "Бу кўнгил", "Рубоиёт", "Сайланма", "Ипак йўли", "Ҳиллари хоним Самарқандда", "Жанна Д Арк" каби шеърий китоб ва достонлар нашрдан чиқди.

Сўнгги икки-уч йилда "Кўксарой" деган шеърий драма, "Бир кеча хаёли", "Муҳаббат қасри", "Раҳшона", "Муножот" каби достонлар, "Мен кашф этган Туркия", "Мен кашф этган Америка", "Остона", "Ассалом, Франция" (шеърлар ва достон) китоби, "Севинч кўз ёшлари" каби қасидалар дунёга келди, улар ҳозир "Мен кашф этган Ўзбекистон" китобига киритилиб, нашрга тайёрланмоқда.

-Тажрибали, ёши улуғ ижодкор сифатида бугунги адабиётимизга муносабатингиз?

-Аввало, шуни айтиш керакки, бошқа соҳаларда бўлганидек, адабиётимиз ҳам истиқлол даврининг барча мураккабликларини бошидан кечирмоқда, ҳаётга нигоҳ ташлаш, изланишлар давом этмоқда. Саксонинчи йиллар охири ва тўқсонинчи йиллар бошидаги саноқли асарларни айтмаганда, яратилган асарлар забардаст адабиётимиз учун етарли эмас, албатта. Мамлакатимизга тобора кўпроқ кириб келаётган (айниқса, "Жаҳон адабиёти" журнали саҳифаларида) чет эл адабиёти, қолаверса, ўзимизнинг яқин ўтмишдаги юксак даражадаги асарларимиз билан бўй ўлчашганда ижоддаги баъзи сусткашлик, юксак бадиий савиянинг ҳаминқадарлиги билиниб қолмоқда. Бу ҳолат китобхонларни ҳам, адабиётшунос олимларни ҳам ташвишга солиши шубҳасиз. Нашриётларда, айниқса, вилоятлардаги нашриётларда чоп этилаётган ўртамиёна китоблар бунга мисол бўла олади. Бу гап, айниқса, қўшиқчиликка, саҳналарни босиб кетган ғализ, қайтариқ, бадиийликдан тубан турадиган тегишлидир. Ачинарлиси шундаки, бундай қўшиқлар кундан-кун урчиб бормоқда. Худди шундай ҳолни саҳна асарларимиз, телефильмлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Наҳотки, бизнес деган бало адабиётга ҳам, санъатга ҳам кириб келмоқда?

Саргузашт жанри ниқоби остида айрим романлар-у, киссалар, саҳна асарлари ва телефильмлар, ҳикоялар, айниқса, беҳаё унсурлар, безорилик ва енгил-елпи, ишонтириш қудрати бўлмаган қотилликларнинг чинакам адабиёт ва саҳна томошасига нима алоқаси бор?

-Келгусидаги ижодий режалар хусусида ҳам икки оғиз...

-Яқинда "Хиллари хоним Самарқандда" номли достоним инглиз тилида нашрдан чиқди. "Ассалом, Франция" номли шеърий китоб француз тилига таржима қилинмоқда. "Тонг юрти оҳанглари" (Ўзбекистон-Япония дўстлик алоқаларига бағишланган) китобини ёзиб тугатдим. Яқин вақтдаги режа – Бобур Мирзо ҳақида бир достон ёзиш ниятим бор.

Суҳбатдош: Анвар МУСТАФОҚУЛ





Термизнинг 2500 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида бу ерда кўплаб муҳташам бинолар қад ростлади. Қадимий осориатиқаларни ўзида жам этувчи археология музейи биноси улардан биридир.

СУРАТЛАРДА: 1. Музейнинг олд томондан кўриниши. 2. Ушбу бинони тиклашда иштирок этган "Бинокор" жамоа корхонаси бош муҳандиси Рустам Эшбоев ва мутахассис Ўктам Сафаров.

Т.МАҲКАМОВ олган суратлар.

БЎРИНИ ЙИҚИТГАН ЎҒЛОН

(Боши 1-бетда)

Узоқдан какликларнинг хониши эшитилади. Ҳовлисининг қоқ ўртасида катта супа бунёд этилган. Унда катта-кичик кўп роҳатланиб ҳордиқ чиқарган, бир пиёла чой устида суҳбат қурган.

Биз яқинда Шоди бобонинг уйида меҳмон бўлдик. Тўғриси, у кишининг ранги-рўйини кўриб ҳайрон қолдик.

Бундан 10-15 йил олдинги кўринишлари сира ҳам ўзгармаган экан. Соқоли бироз оқарганлигини ҳисобга олмасак, икки юзлари қип-қизил, ялпоқ пешонасига ҳали ажин ҳам соя сололмаган. Кўзларидаги қувноқлик, чақноқлик ортса ортганки, камаймаган.

Шоди бобонинг ёшларини сўраймиз.

-Умрнинг кўпини ўтказиб қўйдик, - деди у ярим табассумда жилмайиб. – Аста-секин саксонга яқинлашяпмиз...

-Ёшингизда қўшиб-ёзиш борга ўхшайди, - дедик ҳазиллашиб. – Ҳечам саксонга борганга ўхшамайсиз. Сизни танимаганлар биринчи кўришда элликнинг белида турибди, дейди.

-Тоғда ўсганмиз-да, - деди Шоди бобо кулиб.

-Ёшлигингизда, айни ўспирин даврингизда одамхўр бўрини отганингизни кўп эшитганмиз. Шу воқеани ўз оғзингиздан яна бир эсласак...

-Қирқ еттинчи йил эди, - дея ҳикоясини бошлади Шоди бобо. – Гавдаси арслонникидан қолишмайдиган катта одамхўр бўри пайдо бўлиб қолганлигини эшитиб қолдик. Гоҳ у қишлоқдан, гоҳ бу қишлоқдан қий-чув кўтарилади. Одамхўр бўри катта-кичик болаларни илиб кетади. У Ургутнинг, Панжакенту Булунғурнинг тоғ билан туташган қишлоқларида одамларни қийрата бошлади. Баъзан қўрқувдан кечаси билан ухламай чиқадиган оилалар бўлди. Оқшом фақат том устида ётиш одатга айланди. Кечаси катта ёшдаги кишилар ҳам кўчага чиқмай қўйдилар.

Бир куни қишлоқ одамлари масжид ёнида тўпланди. Бир-икки отахон ўртага чиқиб, болаларимизни қачонгача одамхўр бўрига ем қиламиз, шундай катта қишлоқда уни йиқитадиган мард топилмайдими, овчи-мовчиларимиз ҳам йўқолиб кетганми, дедилар.

Бу гапдан қаттиқ таъсирландим. Таниш-билишга учрашиб зўрға иккита ўқ топдим. Уларнинг ичига тракторларда ишлатиладиган пўлат соққалардан бир-иккитасини жойладим-да, ярим кечаси қишлоққа кираверишдаги катта йўлнинг бир четида милтиғимни қучоқлаганча бўрини пойлаб ётдим.

Ой қоқ тепага келган, атроф игна тушса топиладиган даражада ёп-ёруғ. Вақт алламаҳал бўлганида узоқдан бўри кўринди. Энди юрагимга ваҳима кирди. Тиззаларим қалтирай бошлади. Бор кучим билан ўзимни қўлга олишга уриндим. Падар лаънати йиртқич нотекисликлардан эмас, катта йўлнинг қоқ ўртасидан битта-битта қадам босиб келаяпти. Йигирма-ўттиз метр юрганида бир тўхтайди, у ёққа-бу ёққа, орқа-олдига қараб қўяди. Орамиздаги масофа 40-50 метр чамаси қолганда бўрини нафас олмасдан нишонга олдим ва милтиқ тепкисини босдим. Ўқнинг гумбирлаган овози атрофни ларзага солди. Яқин орадаги ҳовлиларда қий-чув кўтарилди. Йиртқичга ўқ текканини ҳам, тегманини ҳам биломадим. У бир силкиниб, бир ингранган-дай бўлди-да, юришини тезлаштириб, йўлга тушди. Орқамга қарай-қарай хавотирланганча уйга жўнадим. Алламаҳалгача рўпарамдан бўри чиқиб қолгандай, менга тўсатдан ташланадигандай бўлаверди. Уйда отам хавотирланиб ўтирган эканлар. Дарров бўлган воқеани айтиб бердим.

-Худо бир асрабди, - дедилар отам аҳволимга разм солганлар. – Уддалаб отолмабсан, ўзингга ташланса нима қилардинг? Ажал билан ўйнашиш сенга нима керак ўзи?

Бироздан кейин тонг отди. Бирпасда қишлоқ марказида, сой кўприги ёнида одамхўр бўрининг ўлиб ётгани ҳақида хабар тарқалди. Оёғимни қўлга олиб югурдим. Баъзилар жонсиз йиртқичнинг яқинига боришга кўрқиб туришган экан. Бу ўша одамхўр бўри эди. Ўқ унинг кўкрагини қаттиқ яралаган экан. Қишлоқда анча ҳурмат қозондим. Ҳамма менга раҳмат айтди. Уни Камол бобо эшакка ортиб олди. Йиртқичнинг гавдаси шунчалик катта эканки, унинг танаси эшакнинг икки томонидан ҳам ерга тегиб турарди.

Шундан кейин қишлоқ тинчиб қолди. Хавотир ва кўрқинч кўтарилди. Одамлар энди томларда эмас, яна супаларда ётадиган бўлдилар.

Шоди Ғаниев йиртқич бўри воқеасидан кейин уйланди. Ҳовли-жой қурди. Катта-кичик вазифаларда ишлади. Бахтли оилага асос солди.

Агар у кишидан "фарзандингиз нечта?" деб сўрасангиз: "Олти ўғлим, олти қизим бор", дейди. Ҳаммаси ўн икки нафар экан-да, десангиз, "Олти келиним – олти қизимда", дейди кулиб. Шоди бобонинг қизи бўлмагани учун олти ўғлига туширган олти келинини беҳад ҳурмат қилади. Улардан оталик меҳрини дариғ тутмайди. Келинлари ҳам Шоди бобони бошида кўтариб юрадилар.

Ўша куни Шоди бобоникидан катта таассуротлар билан қайтарканмиз, Сойғўсда бунақа бахтли оилалар кўп эканлигини юракдан ҳис этдик.

Файзи ҲАЙДАРОВ, журналист.

СПОРТ ОЛАМИДА

МИРЖАЛОЛ "АЛ-ШАБОБ"ДА



Ўзбек футболининг ёрқин юлдузларидан бири, Самаранинг "Крилья Советов" жамоаси ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимов келгуси йилдан бошлаб Осиё минтақасидаги футбол анча ривожланган мамлакат Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Шабоб" клуби шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Аммо айни кунларда Миржалол БАА давлатида бўлишига қарамай янги жамоасининг ўқув-машғулотларида иштирок этолмаяпти. Чунки ҳамюртимиз аввал соғлиғини тиклаб олиш ниятида. "Ал-Шабоб" раҳбарияти эса Миржалолнинг соғайиб тезроқ майдонга тушишини кутишмоқда.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Ўзбекистон футбол федерацияси ўтказилган X миллий чемпионатнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра мамлакатимиздаги 10 нафар ҳакам чемпионат ўйинларини одилона бошқарганлар қаторидан жой олган бўлса, йилнинг энг яхши ҳаками деб бухоролик республика тоифасидаги ҳакам Ноил Лутфуллин танланди.

ҒОЛИБЛИККА ИНТИЛИШМОҚДА

Жорий йилда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг 11 турини ўзида қамраб олган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг ҳар бир вилоятда уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Мазкур мусобақаларнинг финал босқичи эса келаси йили Фарғона вилоятида бўлиб ўтади.

Айни кунларда бошқа жойлардаги каби Ғиждувонда ҳам унинг туман босқичи кўтаринкилик билан давом этмоқда. Ҳозирда 66 та мактаб жамоалари 16 гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун ўзаро беллашмоқдалар. Дарвоқе, 8-16 мактаблар жамоалари бошқаларга нисбатан маҳоратлироқ эканликларини намойиш этишмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежининг спорт мажмуига йиғилган пойтахтимиздаги болалар уйларининг 182 нафар тарбияланувчилари спортнинг бир нечта турлари бўйича мамлакатимиз бахтимиз қомуси – Конституция қабул қилинган куннинг 9 йиллигига бағишлаб спорт мусобақаларида иштирок этишди.

Уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтган ушбу мусобақаларда биринчи ўрин англичлик ёш спортчиларга насиб этган бўлса, иккинчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси қўлга киритди.

БЕКХЭМГА ОВОЗ БЕРИЛДИ

"Манчестер Юнайтед" ҳамда Англия терма жамоаларининг ёрқин юлдузи Дэвид Бекхэм ватанидаги "2001 йил спортчилари" сўровномасида биринчи учликнинг энг юқори погонасидан жой олди.



Иккинчи ўрин эса яхтачи Эллен Макартурга, учинчи ўрин эса "Ливерпул" ҳамда мамлакат терма жамоалари форварди Майкл Оуэнга насиб этди. Тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Бекхэм – ўз жамоадошларига, ота-онаси ва яқинларига, жумладан, "Манчестер Юнайтед" мураббийи Алекс Фергюссонга алоҳида миннатдорчилик билдирди.

ТАЙСОН ЛЬЮИСНИ КЎРМОҚЧИ

Майк Тайсон келгуси йил 19 январда Рей Мерсерга қарши ўтказадиган жангини номаълум муддатга ортга сурди ва Леннокс Льюиснинг чақириғига жавобан баҳор фаслида унга қарши рингга чиқишга розилик берди.



36 ёшли Льюис эса ўтган ойда Хассим Раҳмонни мағлубиятга учратиб WBC ва IBF йўналишлари бўйича чемпионлик камарини қўлга киритган эди. Мутахассисларнинг фикрича, Тайсон-Льюис учрашуви тахминан апрел ойига мўлжалланаётган бўлиб, у жаҳон бокси тарихида энг катта даромад келтирадиган учрашув бўлса керак.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

ШУ ҲАФТАДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Республика об-ҳавони кузатиш маркази маълумотларига кўра, ҳафта бошида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шимолий шарқдан 7-12 м/с тезликда шамол эсади.

Тошкент шаҳрида кечаси 7-9°, кундузи 0-2° совуқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва **Хоразм** вилоятида ҳарорат кечаси 11-16°, кундузи 1-6° совуқ бўлиши кутилади.

Бухоро ва **Навоий** вилоятларида кечаси 6-11° совуқ, кундузи 3° совуқ-2° илиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва **Сирдарё** вилоятларида кечаси 6-11° совуқ, кундузи 3° совуқ-2° илиқ бўлиши кузатилади.

Қашқадарё ва **Сурхондарё** вилоятларида кечаси 1-6° совуқ, кундузи 0-5° илиқ бўлади.

Фарғона водийсида кечаси 5-10° совуқ, кундузи 3° совуқ-2° илиқ бўлиши кузатилади.

12-15 декабр кунлари эса республикамизда қуйидагича об-ҳаво бўлади:

Фарғона водийсида кечаси 3-8° совуқдан 2° совуқдан-3° илиқгача, кундузи 3° совуқ-2° илиқдан 5-10° илиқгача етади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва **Хоразм** вилоятида ҳарорат кечаси 7-12° совуқдан 4° совуқ-1° илиқгача, кундузи 0-5° совуқдан 1-6° илиққача кўтарилади.

Бухоро ва **Навоий** вилоятларида кечаси 3-8° совуқдан 0-5° илиқгача, кундузи 0-5° илиқдан 8-13° илиқгача кўтарилади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ҳамда **Тошкент** вилоятларида кечаси 3-8° совуқдан 0-5° илиқгача, кундузи 0-5° илиқдан 8-13° илиқгача етади.

Қашқадарё ва **Сурхондарё** вилоятларида ҳарорат кечаси 0-5° совуқдан 2-7° илиқгача, кундузи 2-7° илиқдан 10-15° илиқгача бўлади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг навбатдаги сони 14 декабр – жума куни чиқади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 11, 25 январ, 8, 22 феврал кунлари соат 10.00 да ким ошди савдолари ўтказади.

КИМ ОШДИ САВДОЛАРИДА:

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший, техник хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

п/п	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи (сўм)
	Ҳамза тумани		
1.	Қурилиш кўчасида дорихона қуриш учун	0,02 га.	440 770
	Сирғали тумани		
2.	"Сирғали-5" массиви, 48, 58 ва 69 уйлар оралиғида, кооператив биноси ёнида дўкон қуриш учун	0,02 га.	722 170
3.	"Қурувчи" массиви, лойиҳадаги Г-94, Ом. кўчасида дўкон қуриш учун	0,06 га.	801 370

Ушбу ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, ушбу савдоларда

1. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Венгер 3-тор кўчасида жойлашган "KPP-SAZ" ОТАЖнинг қуйидаги мол-мулклари:

-ишлаб чиқариш майдончаси, 600 кв.м., **бошланғич нархи 2024950 сўм;**

-кран-башенный КБ-308, **бошланғич нархи 633800 сўм;**

-подкрановый путь Р-50, **бошланғич нархи 261360 сўм;**

-автомашиналар учун гаражлар, 90 кв.м, **956070 сўм.**

2. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 78-уйда жойлашган Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг давлат белгиси 8104 ТНБ бўлган "УАЗ-3962" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 425914 сўм.**

3. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 11-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Ислом университетининг автотранспорт воситалари:

-давлат белгиси 10 АА 627 бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 1070421 сўм;**

-давлат белгиси 10 AL 866 бўлган "ВАЗ-21063" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 361710 сўм.**

4. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 35-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитасига қарашли Тошкент шаҳар бошқармасининг давлат белгиси 1023 ТНМ бўлган "РАФ-2203" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 1528767 сўм.**

5. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 23а-уйда жойлашган "1-сонли таъмирлаш қурилиш бошқармаси"нинг автотранспорт воситалари:

-давлат белгиси 10 АО 126 бўлган "ГАЗ-3102" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 1606580 сўм;**

-давлат белгиси 10 АН 843 бўлган "ПАЗ-672" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 1686313 сўм;**

-давлат белгиси 10 АО 223 бўлган "ГАЗ-2410" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 1134316 сўм;**

-давлат белгиси 10 АА 546 бўлган "Москвич-2141" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи 195821 сўм;**

-ТТЗ 2 ПТС-4-793А-03А русумли прицепи, **бошланғич нархи 502387 сўм.**

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Ким ошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг.

Биржа манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Моваройуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 133-20-74, 133-46-13.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ҲОЛТОЕВ, Азимхон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилхон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар: Қабулхона - **133-09-93** (факс) **133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – **133-16-27**, **133-44-43**, котибият – **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21**, **136-56-25**, **136-54-42**, реклама ва эълонлар– **136-56-30**.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-512-17**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган-**8-369-43-311-81**; Фарғона - **8-373-61-221-97**; Самарқанд - **8-366-233-00-52**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Сирдарё - **8-367-225-41-73**; Тошкент - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-623-50**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: О.ҲАЙИТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | **Буюртма Г– 3108, ҳажми 2 босма табоқ.** | **Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.** | **Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00** | **Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.** | 1 2 3 4 5 6.